

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Тошкент тиббиёт академияси  
ректори, профессор

А.К. Шадманов  
«14» март 2021 йил

**Тошкент тиббиёт академияси Ректорат кенгаши (он-лайн)  
йиғилишининг  
5-сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

«10» март 2021 йил

**Раислик қилувчи:** А.К.Шадманов

Тошкент тиббиёт академияси  
ректори, профессор

**Қатнашдилар:**

Тошкент тиббиёт академиясининг  
ректорат кенгаши аъзолари (рўйхат  
бўйича)

**КУН ТАРТИБИ**

1. Талабалар орасида ўтказилган сўровнома натижалари ҳамда талабаларнинг

ўзлаштириши ва билимининг сақланиш ҳолати таҳлили

**Маърузачи** – Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи

Шухрат Қаюмович Адиллов

2. Педиатрия йўналишидаги кафедраларнинг фаолияти таҳлили

**Маърузачи** – 2-сон болалар касалликлари кафедраси мудири

Илхом Асомович Каримжонов

3. Турли масалалар

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

## Қ А Р О Р И

1. Кун тартибининг биринчи масаласи “Талабалар орасида ўтказилган сўровнома натижалари ҳамда талабаларнинг ўзлаштириши ва билимининг сақланиш ҳолати таҳлили” бўйича Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Шухрат Қаюмович Адилонинг маълумоти ахборот учун қабул қилинсин ва қониқарли деб ҳисоблансин (маъруза матнда келтирилган).

1.1. Барча йўналишлар бўйича сўровномалар ўтказилиши ва уларнинг мунтазам равишда мониторингини олиб борилиши йўлга қўйилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, таълим сифатини назорат қилиш бўлим бошлиғи Ш.Қ.Адиллов**

**Муддат: доимий ҳар ойда 1 маротаба**

1.2. Ўтказилган аноним (ошкора бўлмаган) саволномадан талабалар ўртасида ошкора саволнома-учрашувлар ташкил этилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, таълим сифатини назорат қилиш бўлим бошлиғи Ш.Қ.Адиллов, факультет деканлари, кафедра мудирлари**

**Муддат: доимий**

1.3. Сўровномани нафақат талабалар, балки клиник ординатор, магистрлар ва педагог ходимлар орасида ўтказилиши йўлга қўйилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, таълим сифатини назорат қилиш бўлим бошлиғи Ш.Қ.Адиллов**

**Муддат: ҳар ойда 1 маротаба**

1.4. Талабаларнинг эркин фикрлашига имкон яратиб бериш мақсадида тест назорати ҳамда вазиятли масалалар саволлари қайта кўриб чиқилсин ва керакли ўзгаришлар киритилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, факультет деканлари, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2021 йил 1 май**

1.5. Талабалар жорий назоратнинг назарий ва амалий қисмларининг ўтишларига талаб ва назорат кучайтирилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, факультет деканлари, кафедра мудирлари**

**Муддат: доимий**

1.6. Талабалар томонидан амалий кўникмаларни ўзлаштириш сифатини ошириш мақсадида симуляцион марказ фаолияти кенгайтирилсин, шунингдек янги тузилган амалий кўникмаларнинг ижросига эътибор кучайтирилиши таъкидлаб ўтилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, факультетлар деканлари, кафедра мудирлари**

**Муддат: доимий**

1.7. Талабаларнинг базавий билимларини мустахкамлаш мақсадида кафедралараро интеграцион (вертикал) алоқалар тизимида маъруза ва амалий машғулотлар ўтказилиши кучайтирилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, факультет деканлари, кафедра мудирлари**

**Муддат: доимий**

1.8. Педагоглар касбий маҳоратларини кучайтириш мақсадида малакаларини нуфузли хорижий таълим муассасаларида оширишларига кенг жалб этилиши таъминлансин. Шунингдек, амалий машғулот ва маърузаларни ўтказишга хорижий мутахассисларни кенг жалб этилиши йўлга қўйилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, факультет деканлари, кафедра мудирлари**

**Муддат: ўқув йили давомида**

1.9. Кафедра мудирлари ва ўқув ишларига масъуллар томонидан машғулотлар хронометражи ва таъминланиш даражаси мунтазам назорат қилиниши таъминлансин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, факультет деканлари, кафедра мудирлари**

**Муддат: доимий**

1.10. Кафедраларда очик дарс ва маърузалар сони ошириб борилиши ва уларнинг ўтказилиш жараёни ТТА сайти орқали барчага очик намойиш этилиши йўлга қўйилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, ахборот технологиялар маркази раҳбари М.И.Базарбаев**

**Муддат: доимий**

1.11. Ўтказиладиган саволномаларнинг кейинги босқичида берилган фикрларни сайтга жойлаштирилиши ва ходимларга танишиш имконияти яратилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, ахборот технологиялар маркази раҳбари М.И.Базарбаев**

**Муддат: ўқув йили давомида**

1.12. Деканат, ўқув бўлими, илмий бўлим, ички назорат инспекцияси ва таълим сифатини назорат қилиш бўлимлари томонидан ижро интизомининг назорати кучайтирилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, ички назорат инспекцияси бошлиғи Ў.М.Миршарапов, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, факультет деканлари**

**Муддат: доимий**

1.13. Барча кафедраларда ўқув адабиётларини қайта кўриб чиқиш, янгилаш ва чет эл адабиётлари билан бойитиш ишлари амалга оширилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, кафедра мудирлари**

**Муддат: доимий**

1.14. Академияда чет тилларда (рус, инглиз) сўзлашадиган ҳамда дарс олиб борадиган юқори малакали профессор-педагоглар сони оширилишига алохида эътибор қаратилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, кафедра мудирлари**

**Муддат: доимий**

1.15. Коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида баҳолаш мезонларининг улуши оширилиши таъминлансин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Ш.Қ.Адилов, кафедра мудирлари**

**Муддат: доимий**

2. Кун тартибининг иккинчи масаласи “Педиатрия йўналишидаги кафедраларнинг фаолияти таҳлили” бўйича 2-сон болалар касалликлари кафедраси мудир Илхом Асомович Каримжоновнинг маълумоти ахборот учун қабул қилинсин ва қониқарли деб ҳисоблансин (маъруза матнда келтирилган).

2.1. Педиатрия факультети очилиши муносабати билан барча тайёргарлик ишлари амалга оширилсин, бунда ўқув аудиториялар ҳолати, клиник базалар, моддий техник базаси, асбоб–ускуналар ва техника таъминоти ўрганилиб чиқилсин ва таклифлар киритилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2021 йил 1 апрель**

2.2. Педиатрия йўналиши бўйича профессор–ўқитувчиларни, шу жумладан ёш педагогларни илмий-педагогик салоҳияти кўриб чиқилсин ва таклифлар киритилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2021 йил 15 апрель**

2.3. Педиатрия йўналишидаги профессор–ўқитувчиларни малака оширишлари нуфузли хорижий таълим муассаса ва марказларида амалга оширилсин ва режаси ишлаб чиқилсин, шунингдек ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Ж.Турсунов, факультет деканлари, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2021 йил 15 апрель**

2.4. Педиатрия мутахассислиги бўйича магистрлар кабулини 2021 йилдан тикланиши бўйича таклифлар киритилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2021 йил 15 апрель**

2.5. Болалар касалликлари ва неонатология фанлари ўқув соатлари кўриб чиқилсин ва керакли ўзгаришлар киритилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров**

**Муддат: 2021 йил 15 апрель**

2.6. Болалар касалликлари фанларидан ўқув адабиётлар тиллар кесимида таъминланганлиги ўрганиб чиқилсин, етишмаган ўқув адабиётлар харид килинсин, шунингдек, кафедралар профессор–ўқитувчилари томонидан янги адабиётлар тайёрланиши ва чоп этилиши режаси ишлаб чиқилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, ахборот ресурс маркази директори Г.В.Кузмина, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2021 йил 15 апрель**

2.7. Болалар касалликлари бўйича симуляцион марказ симуляторлар, фантом, муляж, тарози, бўй ўлчагичлар ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминлансин. Симуляцион марказда педиатрия йўналишидаги кафедра профессор-ўқитувчилари талабаларни амалий кўникмаларни эгаллашни ўргатишга ўқитилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, факультет деканлар, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2021 йил май**

2.8. Болалар касалликлари кафедралари маҳаллий ҳамда хорижий грантлар танловида иштирок этсинлар. Хўжалик шартномалар бўйича ишлар олиб борилсин. Илмий натижалар халқаро тизимларига киритилган журналларда чоп этилиши ҳамда патент, рационализаторлик таклифлар устида изланишлар олиб борилиши кучайтирилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, факультет деканлари, кафедра мудирлари**

**Муддат: ўқув йили давомида**

3. Турли масалалар бўйича ректор А.К.Шадманов, ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А. Боймуродов, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А.Бобомуротов, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ахборотлари юзасидан тармоқ маркази директори У.А.Ташкенбаева ва Мураббийлар кенгаши раиси О.М. Миртазаев сўзга чиқдилар.

3.1. ТТА ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш онлайн платформасига жойлаштириш учун барча кафедралар томонидан ҳар хил соатлар ҳажмидаги мавзулар кесимида

онлайн-малака ошириш курслар дастурлари ишлаб чиқилиши бўйича таклифлар киритилсин.

**Масъул: ўқув ишлари проректори Ш.А.Боймуродов, ўқув бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори У.А.Ташкенбаева, кафедра мудирлари**

**Муддат: 2021 йил 15 апрель**

3.2. Фрайбург (Германия) Университетининг тиббий маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, тиббиёт профессори, радиология ва радиацион онкология мутахассиси Фредерик Венц (Frederik Wenz) номзоди Тошкент тиббиёт академияси Фахрий профессори унвонига тавсия этилсин.

Қарор бир овоздан қабул қилинди.

Ректорат Кенгаши ўз ишини якунлади.


Олий таълим муассасаси  
кенгаш котиби



Г.А. Исмаилова



ТТА Ўқув ишлари бўйича  
проректор



Ш.А.Боймурадов

ТТА Илмий ва инновацион ишлар  
бўйича проректор



Ф.Л.Азизова

ТТА Ёшлар ва иқтидорли талабалар  
билан ишлаш бўйича проректор



Т.А. Бобомуратов

ТТА Даволаш ишлари бўйича  
проректор



М.Ш.Каримов

Ўқув-услубий бўлими бошлиғи



Ш.Ш.Массавиров

Ҳуқуқшунос



Б.Н.Шукуров